26-27 (460-461)

2005 йил 6 июль

Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
- Майдон текис, тўп юмалоқ
- Андишанинг оти қўрқоқ 'эмас!

3
- Тегирмондан бутун чиқмаган "тадбиркорлар"...
- Ҳуштак чалишни биладиган ...бино

4
- Варахша — тилсим шаҳар...
- Лапар айтиб, ўлан куйлаб беллашамиз!

Самарқанд вилояти

МИНГЧИНОРДА ИШ ЎРИНЛАРИ КЎПАЯДИ

Булунғур туманидаги Мингчинор маҳалласида миллий анъаналаримиз бардавомлигини таъминлаш, ёшларга касб-ҳунар сирларини ўргатиш мақсадида уста-шогирдлик анъанаси асосида фаолият юритувчи бир қатор тўгараклар ташкил этилди.

Маҳалла маслаҳатчиси Малика Бозорбоева ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тўгаракларда маҳалланинг юзга яқин ёшлари ҳунармандчилик, дурадгорлик ва тўқувчилик сирларини ўрганишмоқда. Мазкур тўгаракларга бошчилик қилаётган тадбиркорлар Дилшода Каримова ва Тоҳир Ҳайдаровлар энди ўз фаолиятларини тўлиқ жиҳозланган ва шинам мини цеҳларда давом эттиришаяпти.

Рустам ҲАЙИТОВ,
"Mahalla" мухбири.

ШҲТнинг НАВБАТДАГИ САММИТИ

ОСТОНА, 5 июль. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг саммити ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги мажлиси билан бошланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Ўзбекистон, Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарларининг мазкур учрашувида ташкилот доирасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, хусусан, хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш борасидаги амалий ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Мажлисда ШҲТ фаолиятининг асосий йўналишлари — хавфсизлик муаммолари ва савдо-иқтисодий мажмуадан ташқари, аъзо давлатлар ўртасида ижтимоий-маданий ва илмий-техникавий ҳамкорликни, транспорт коммуникациялари борасидаги алоқаларни ривожлантиришга доир масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Шунингдек, Президентлар минтақавий ва халқаро муаммоларга, террорчилик, экстремизм, айирмачилик, трансмиллий уюшган жиноятчилик, наркобизнес ва қурол-яроғнинг ноқонуний савдоси каби иллатларга қарши биргаликдаги курашнинг самарадорлигини ошириш борасидаги масалаларга эътибор қаратдилар.

ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган тартибдаги мажлисида ШҲТни ривожлантириш масалаларига оид қарашлар, таклиф ва мулоҳазалар баён этилди.

Музокара давомида ташкилотнинг ўтган йилги Тошкент саммитида эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этишнинг бориши, Ўзбекистон пойтахтидаги Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ҳамда Пекиндаги Котибиятининг ўтган даврдаги фаолияти кўриб чиқилди. Марказий Осиё умумий бозорини шакллантириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, сув-энергетика захираларидан фойдаланиш, нефт-газ конларини ўзлаштириш, транспорт, фан-техника, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт, сайёҳлик ва экология соҳаларидаги алоқалар кўламини кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Президентлар ШҲТнинг Минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш жамғармаси ҳамда Ишбилармонлар форумини ташкил этишга, Афғонистондаги тикланиш ишларидаги ҳамкорликка доир масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Саммит якунлари бўйича ШҲТ Давлат раҳбарларининг декларацияси имзоланди. Шунингдек, ШҲТга аъзо давлатларнинг террорчилик, айирмачилиқ ва экстремизмга қарши курашдаги ҳамкорлиги тўғрисидаги концепция қабул қилинди, ШҲТга аъзо мамлакатларнинг ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмасидаги доимий вакиллари тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Саммитда Эрон, Покистон ва Ҳиндистонга ШҲТ ҳузурида кузатувчи мақомини бериш тўғрисидаги қарорларга имзо чекилди. Бунгача фақат Мўғилистон шундай мақомга эга эди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар саммит доирасидаги музокаралар самарали ўтгани, эришилган келишувлар аъзо мамлакатлар манфаатларига хизмат қилишини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу куни Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Хитой муносабатларига доир масалалар муҳокама қилинди. Ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани қайд этилди.

Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао ўзаро мулоқотларни изчил давом эттириш, Ўзбекистон билан Хитой ўртасида вазирлик ва идоралар, ишбилармон доиралар ўртасидаги бевосита алоқаларни янада фаоллаштириш борасида келишиб олдилар.

Давлатимиз раҳбари Мўғилистон Халқ Республикаси Президенти Намбарин Энхбаёр билан ҳам учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Мўғилистон муносабатларининг бугунги аҳволи ҳамда мамлакатларимизнинг ШҲТ доирасидаги ҳамкорлигига оид масалалар муҳокама қилинди.

Ифтихор

Ҳамид НОРҚУЛОВ

ИСМИМИЗДА БОРСАН, ВАТАН!

Ишдан қайтар чоғимда маҳалладошим Облоқул ака менга ҳамроҳ бўлиб қолди. Қўлида кичикроқ тугунча. Ҳол-аҳволдан сўнг ўзи сўз бошлади:

— Шу десанг, катта ўғлим беш қиздан кейин ўғил кўрди. Хурсанд бўлиб "Ота ўзингиз исм қўйиб беринг", — деб келиб қолса бўладими? Мен унга "Сен шу ерда ўтириб тур, маҳалламиздаги Шоносир буванг бу йил баҳорда юзга кирди, шу одамдек бўлиб юрсин, исмини унга қўйдирамиз"; — дедим-да табаррук отахонникига югурдим. Бува "Исмини Ватан қўй", — деса бўладими? Шошганимдан "лаббай" деб юборибман. У сўзини яна такрорлади.

Манзилга етгач, у машинадан тушиб қолди. Хаёлимдан Шоносир буванинг сўзлари кетмай қолди. Унинг ҳаётидан озми-кўпми хабардор эдим.

...Бола-чақаси билан Украинага сургун бўлган Шоносир бува ўзга тупроққа аёли ва уч фарзандини топшириб қайтди. Нима қийинчиликлар бошидан ўтмади. Ўзининг тирик қолганини "Ватанни бир бор кўриш учун..." — деб тушунтиради. Биров бунга тушунади, биров йўқ.

Юртга қайтгач яна ишлади, номини оқлади, уйланди, фарзандлар кўрди. 85 ёшга тўлганда "пахта иши" деб унинг раис ўғлини қамаб қўйишди. Куйиб кетди, бува, худодан ҳар куни ўғлига умр, ўзига эса ўлим тилади. Ҳассасига суяниб ўғлининг судига борди. Ҳукм ўқилгач бува сакраб ўрнидан турди ва панжара ортидаги ўғлига қараб бақирди:

— Болам, Ватан бўлганда сен бу азобларни кўрмасдинг, Ватан йўқ-да бизда, Ватан.

Юртбошимизнинг довюраклиги ва эзилган элнинг қаддини кўтарганлиги туфайли ўғли ҳам оқланиб келди. Лекин тақдир бувани яна қийнади. Ўғли фарзанд кўрмади, қизларидан бир этак набиралари бор. Худодан умиди бор. Ўғил набира кўрсам исмини "Ватан" қўяман деб юз ёшга умид билан киргандир, деб ўйлаб қоламан. Шундай кунларнинг бирида маҳалладошим Облоқул ака уйига кириб келган-да...

Ҳаммамизнинг исмимизда сен борсан – Ватан!



Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юртида бўлиб ўтган лейтенантлар битирувига бағишланган тантанали маросимда битирувчиларнинг ота-оналари, уруш фахрийлари ва бошқа меҳмонлар қатнашди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Хива шаҳридаги Меҳрибонлик уйи директори Вера Борисовна Пак бу ерга жамоат арбоби сифатида эмас, балки битирувчи-лейтенант Бобомурод Ўрозовнинг онаси сифатида ташриф буюрди.

Камолиддин ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Газета ва муштарий

"Mahalla"СИЗ МАҲАЛЛАЛАР...

Ҳа, фуқаролар йиғинлари, жумладан, маҳаллаларимиз орасида "Mahalla" газетаси бормаётганлари ҳам бор. Хўш, уларнинг масъул ходимлари бу ҳолат туфайли ўз фаолиятларида нималарни бой бермоқдалар?

Айни кунларда маҳалла тизими ходимларининг ўзларидан бу ҳақда сўрасангиз, ўз фаолиятларида матбуот нашрларининг катта кўмакчи бўлаётганини алоҳида эътироф этишади. Яқинда фаолияти республика миқёсида намунали деб топилган илғор маҳалла оқсоқолларидан бири шундай фикр билдирди: "Маҳалламизда фаоллар, умум ишимиздан ғайрат-шижоатини ҳам, ҳимматини ҳам аямайдиган фидойиларимиз кўп. Лекин матбуот нашрларидан оладиган кўмагимиз ўрнини ҳеч нарса босолмайди. Айниқса, мен "Mahalla" газетаси маҳалламиз йиғини фаолиятини ташкил этиш, хусусан, маданий-маърифий, ижтимоий равнақига қўшаётган ҳиссаси жуда салмоқлилигини алоҳида таъкидлашни истайман. Шундай вазиятлар бўладики, бу газетадан олинган маълумотлар, ибратли тажрибалар, йўл-йўриқлар катта бир маслаҳатчилар гуруҳи ишлагандаги самарани беради..."

Бугун юртимиздаги минглаб маҳаллалар ходимлари бу фикрга тўлиқ қўшилишига бизда ишонч бор. Албатта, газетамизга обуна бўлмаган маҳалла мутасаддиси иши фақат камчилигу нуқсонлардан иборатдир, дея таъкидламоқчимасмиз, лекин ҳар қалай "Mahalla"сиз маҳаллалар фаолияти ўзлари ва маҳалладошлари истагандек тўлақонли бўлаётганига шубҳамиз бор. Шу ўринда бир савол туғилади: фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг республика миқёсида чоп этиладиган ўз нашридан бебаҳра қолаётганига ким айбдор ёки қандай ҳолатлар сабабчи?

Маълумки, Республика "Маҳалла" жамғармасининг вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда бўлим ва бўлинмалари мавжуд бўлиб, ҳудуддаги маҳалла, қишлоқ, овул, шаҳарча ва посёлка фуқаролар йиғинларининг ишини мувофиқлаштириш, йўналтириш ва фаолиятларини тўғри ташкил этишда амалий, моддий ёрдам кўрсатиш каби вазифалар ана шу бўлим ва бўлинмалар мутасаддилари зиммасидаги вазифаларга киради. "Mahalla" газетаси фаолияти ҳам шу тизим нашри сифатида юқоридаги вазифаларнинг адо этилишига сезиларли ҳисса қўшаётгани эътиборга олинса, унинг барча маҳалла йиғинларига етиб бориши жамғарма бўлим ва бўлинмалари фаолиятининг бир кўриниши бўлади. Сирдарё вилоятида 300 га яқин фуқаролар йиғини мавжуд. Вилоятда бугунги кунда 175 дона обуна бўлинган. Агар шу кунларда ўзгариш қилинмаса, йилнинг охирги уч ойи давомида вилоятга борйўғи 130 та газета боради. 2004 — Обод маҳалла йилида эса обуна кўрсаткичи вилоят бўйича 100 рақамининг нариберисида эди, холос.

3-саҳифада

Муҳтарам маҳалладошлар!

Ёдингизда бўлсинки, "Mahalla"га обуна бўлиш учун ҳеч қачон эрта ёки кеч бўлмайди. Йил бошиданоқ, ёки ўртасида, хуллас, истаган вақтингизда муштарийларимиз сафидан ўрин олишингиз мумкин.

— Яна нима дейди?
— "Mahalla"ни ўқимаган оқсоқол ҳам бор экан, — дейди.

Фармон, қарор ва уларнинг ҳаётдаги ўрни

ТАДБИРКОРНИНГ БАХТИ КУЛДИ

Юртбошимиз ўтган ойда имзолаган қатор янги Фармонлар ва Қарорлар юртимизда хусусий бизнес ва тадбиркорлик муҳитини юксак даражага кўтариш борасида жиддий қадам бўлди.

Бу ҳужжатлар, биринчи навбатда, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш борасида муҳим аҳамият касб этади. Улар бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришдан иборат асосий устувор вазифамизни рўёбга чиқариш йўлидаги ҳали ечимини топмаган қатор муаммоларни бартараф этишга қаратилган.

Президент Фармонлари ва Қарорлари ислоҳотларнинг амалдаги босқичида хусусий тармоқнинг жадал ривожланишини, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши кўпайишини таъминлаш ва, умуман, иқтисодиётни эркинлаштириш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш каби хайрли мақсадларни кўзда тутади.

Бундан ташқари, бу Фармонлар ва Қарорлар суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти асоссиз чекланишига йўл қўймаслик бобида катта аҳамиятга эга.

Масалан, «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонга мувофиқ, 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб юртимизда тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўлланиш тартиби жорий этилди.

Шу муносабат билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги хўжалик низолари хўжалик суди ёки ҳакамлар суди томонидан кўриб чиқилиши қоидалаштирилгани ва бу борада ҳакамлар суди ташкил этиш масаласи илгари сурилгани эътиборга молик илғор янгилик эканини таъкидлаш жоиз.

Мазкур Фармонда тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ёхуд тафтиш қилиш белгиланган тартибда фақат давлат солиқ хизмати органлари, улар томонидан текшириш давомида солиқ ва валютага оид жиноят аломатлари аниқланган тақдирдагина — Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш департаменти томонидан амалга оширилиши қайд этилганига ҳам эътибор қаратайлик. Фармоннинг биргина шу қоидаси хусусий тадбиркорлик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилиш баҳонасида тадбиркор ишига халақит беришларга чек қўйди.

Илгари хусусий корхонага муқобил текшириш деган баҳонаю сабаб билан келадиган "турнақатор" текширувчилар тадбиркорни жон-ҳолига қўймасди. Энди эса муқобил текширишларни ўтказиш чоғида нафақат тадбиркорлик субъектларига бориш, балки улардан текширишга тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ҳам ман этилади.

Эндиликда тадбиркорни ҳар ойда олтмиш-етмиш варақли том-том ҳисоботлар топширишга мажбур этиб, кераксиз ташвиш ва ортиқча харажатга тушираётган қоғозбозлик балосига ҳам нуқта қўйилди. Зеро, бундан буён тадбиркор нари борса 7-8 қоғоз ҳажмли энг зарур ҳисоботни тегишли идорага ҳар чоракда тақдим этиб туришдек қулайликдан баҳраманддир.

Кези келганда, ўзим ҳам хусусий тадбиркорликка кўпдан қизиқишимни айтмоқчиман. Иқтисод назарияси, бозор иқтисодиёти қонунларини амалда қўллаш тажрибасидан талабаларга сабоқ бериш баробарида, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи аксарият юртдошларимиз қатори мен ҳам бир вақтлар хусусий ошхона ва дўкон очган эдим.

Афсуски, турли текширувчиларнинг тинимсиз «келди-кетди»си, тафтишчиларнинг анча-мунча сарф-харажатли «ноз-фироқ»лари, ҳатто айрим ташкилотларнинг "хайр-саховат кўрсатиш"га ундаш баҳонасида кетма-кет чиқимга тушириб, ишингизга тинимсиз халал бераверишлари билан боғлиқ оворагарчиликлардан хуноб бўлиб, кўп ўтмай бизнесимни тўхтатишимга тўғри келган. Модомики яхши ният билан бошлаган ишингдан фойда олиш у ёқда турсин, бизнесга сарфлаган харажатингни ҳам қоплай олмасанг, ҳафсаланг пир бўлиб, қўлинг ишдан совиб, ташаббускорлигинг сўниб, ўзингни бизнесдан қачон ва қандай қилиб четга тортганингни ҳам билмай қоларкансан киши.

Президентимизнинг янги Фармонлари, Қарорларини ўқиб мағзини чаққанимдан сўнг кўнглимда яна иштиёқ уйғонди, ташаббус, тадбиркорлик истаги куртак отди. Аслида ҳам, тадбиркор фаолиятига кенг йўл очиб бериш — энг мақбул сиёсат. Чунки тадбиркор бойиса, давлат бой бўлади, жамият жадал равнақ топади, халқ тўқ ва фаровон яшайди.

Абдулҳамид УМАРОВ,
иқтисод фанлари номзоди

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи:148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

« M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА АЙНИ КУНДА ҲАМ ЙИЛНИНГ ҚОЛГАН ҚИСМИ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. 2005 ЙИЛДА "Mahalla"СИЗ ҚОЛМАНГ!

Кураш

ЭРОНДА ПОЛВОНЛАР БАҲСИ

Эрон пойтахти Теҳрон шаҳрида ўзбек қураши бўйича ўтказилган Пурёвалий III халқаро турнирида Хитой, Озарбойжон, Арманистон, Покистон ҳамда Тожикистондан келган полвонлар ғолиблик учун гиламга чиқди.

Беш вазн тоифасида ўтказилган турнирда 66 килограмм вазнли полвонлар ўртасида хитойлик Доншен Ма финалда эронлик Вагиҳеги Меҳдини енгиб, олтин медаль соҳиби бўлди. Вазни 73 килограммгача бўлган курашчиларнинг финал баҳсида эронлик Ҳамза Ҳайдарий хитойлик Зманг Гуайни мағлуб этди. 81 килограммли полвонларнинг сўнгги учрашувида мезбонларнинг икки вакили — Носир Акбарий ва Али Акбарий беллашди. Рақибини енгган Носир Акбарий мусобақа чемпиони бўлди.

Халқаро турнирнинг энг қизиқарли беллашувлари оғир вазнли полвонлар баҳсида кузатилди. 90 килограмм тош босадиган курашчилар ўртасида озарбойжонлик Рамин Анатовга тенг келадигани топилмади. У энг муҳим баҳсда хитойлик Дай Де Ки устидан зафар қучиб, юртига олтин медаль билан қайтди. Вазни 90 килограммдан оғир полвонлар ўртасида эронлик Саид Хусравийнажод ҳамюрти Анан Форуш Мосни енгиб, бош соврин эгаси бўлди.

Футбол

«ПАХТАКОР»НИНГ МИНГИНЧИ ДОВОНИ

Футбол бўйича Ўзбекистон XIV миллий чемпионати олий лигасининг сўнгги учрашувида «Пахтакор» (Тошкент) ўз майдонида «Металлург» (Бекобод) билан беллашди.

Олтинчи турнинг кечиктирилган мазкур беллашуви кўплаб мухлису мутахассислар эътиборини жалб қилди. Чунки айнан мана шу баҳсгача «Пахтакор» рақиблар дарвозасига 999 та гол урганди ва ҳаммани пахтакорчиларнинг тарихий — мингинчи голига қайси футболчи муаллифлик қилиши қизиқтирарди. «Пахтакор» марказий стадионига келганлар ва ўйинни телевизор орқали томоша қилган минглаб футбол ишқибозлари «Пахтакор»нинг мингинчи голини ярим соат кутди. Учрашувнинг 31-дақиқасида Вячеслав Пономарёв узатган тўпни Александр Гейнрих дарвоза тўрига аниқ жойлади. Сўнгги учрашувларда тўпурарлик қобилиятини намойиш қилаётган Александр Гейнрих «Пахтакор»нинг мингинчи голи муаллифи бўлди.

Умуман олганда, мазкур учрашувда бекободликлар ҳам пахтакорчиларга жиддий қаршилик кўрсатишга уринди. Бироқ маҳорат ва тажриба бобида меҳмонлардан устун пойтахтликлар «Металлург» дарвозасига яна тўртта гол урди. Анча фаол ўйнаган Сервер Жепаров икки маротаба, Темур Копадзе ва Садриддин Абдуллаев биттадан гол муаллифи бўлди. «Металлург» футболчилари ҳам иккинчи бўлимда Игнатий Нестеровни ўз дарвозасидан бир жуфт тўп олиб чиқишга мажбур қилишди - 5:2.

Якунланган биринчи давра чемпионатимизнинг савияси кўтарилганини кўрсатиб турибди. Сир эмаски, илгари узоқ йиллар давомида медаллар учун кураш фақат пойтахт ва Фарғона водийси жамоалари ўртасида бўларди. Энди улар қаторига Қашқадарё вилояти жамоалари ҳам қўшилди. Бу йил илк маротаба олий лигада Қашқадарёнинг учта жамоаси вилоят шарафини ҳимоя қилмоқда. Эътиборлиси, шулардан иккитаси - «Насаф» (Қарши) ҳамда «Машъал» (Муборак) чемпионлик учун курашмоқда ва биринчи даврани кучли учликда якунлади.

5 август куни бошланадиган иккинчи давра дастлабкисига нисбатан анча қизиқарли ўтиши кутилмоқда. Чемпионлик ва совринли ўринлар учун кураш «Насаф», «Пахтакор», «Машъал», «Нефтчи», «Қизилқум» «Самарқанд-Динамо», «Навбаҳор», «Локомотив» ҳамда «Трактор» ўртасида кечади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси

Навоий вилояти

ҚАЛҚОН ОТА ҚАЛҚОН БЎЛГАН ҚИШЛОҚ

X асрнинг машҳур тарихчиси Муҳаммад Наршахийнинг "Бухоро тарихи" китобида "Ҳали Бухоро шаҳри вужудга келмаган, лекин қишлоқлардан баъзилари пайдо бўлган эди. Нур, Ҳарқонруд, Вардона, Таровча, Садона ва Исваналар ўша қишлоқлар жумласидандир..." деган маълумотлар учрайди. Наршахий тилга олган Ҳарқонруд ҳозирги Навбаҳор туманидаги Қалқонота қишлоғи бўлиб, тарихчи олим А. Муҳаммаджонов фикрича, у "катта ариқ" маъносини билдиради.

Ҳарқон қишлоғининг Қалқонота деб аталиши тўғрисида ҳам манбааларда қайд этилган. Келтирилишича, 997 йилда Румдаги Ҳарақоний қишлоғида туғилган Абу Ҳасан Ҳарақоний вояга етгач, Бухорои шарифга келади. Ўшанда Хатирчини ёв босган оғир йиллар экан. 29 ёшли Абул Ҳасан Ҳарақоний ўзининг жасорати, илми каромати ва ҳикмати билан халққа тўғри йўл кўрсатади ҳамда эл-юртни ёвдан озод этади. Бундан ташқари, Абул Ҳасан Ҳарақоний элу юртни бало-қазодан асраган. Бошига оғир мусибат тушган кишиларнинг дардига малҳам бўлган. Шу боис, халқ уни "Қалқонимиз" деб ардоқлаган. Кейинчалик қишлоқ ана шу ном билан атала бошлаган.

Манбааларда келтирилишича, Ҳазрат Абул Ҳасан Ҳарақоний 1033 йилда Қалқонотада вафот этган ва шу ерда дафн этилган. Айни пайтда бу ҳудуд Қалқонота маҳалласи деб юритилади. Маҳалладаги 756 та оилада 3 минг 825 нафар аҳоли яшайди.

— Биз асосий фаолият йўналишини маҳаллада яшовчи фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясига қаратганмиз. Жумладан, ҳудудимизда яшовчи 75 та кам таъминланган оилаларга ҳар томонлама ёрдам беришнинг барча чораларини кўраяпмиз. Масалан, ушбу оилалардаги ишга яроқли кишиларни фойдали меҳнатга жалб этиш, ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш борасида олиб бораётган тадбирларимиз кўпчиликка манзур бўлмоқда. Шунингдек, бу борада маҳаллада саховатпеша инсонлар ҳам биз билан елкадош, — дейди Қалқонота маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Инобат Азизова.

Қалқонотада кўчаларни асфальтлаштириш, йўл ёқасини гулзорга айлантириш, бўш ётган ташландиқ жойларда маданий ҳордиқ иншоотлари, хиёбонлар, боғ-роғлар ҳамда ўйингоҳлар ташкил этиш йилдан-йилга анъанага айланиб бормоқда. Хусусан, ҳудудда саховатпеша фермер ва тадбиркорлардан Комил Бўронов 500 минг сўмлик ободончилик ишларини олиб борган бўлса, Саъдулла Тиллаев Порлоқ кўчасини тўлиқ асфальтлаштириб берди. Фарҳод Раҳимов Ҳазрат Абул Ҳасан Ҳарақоний мақбарасида 1 миллион сўм маблағ эвазига таъмирлаш ишларини олиб борган бўлса, Рўзиқул Раимов 9-ўрта мактабга 1 миллион сўмлик замонавий компьютер совға қилди.

Шунингдек, ўтган 2004 йилда уларнинг кўмагида маҳалладаги 52 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари Исмоил Ал-Бухорий зиёратгоҳига, 2005 йилнинг март ойида эса 25 нафар онахонлар Баҳоуддин Нақшбанд қадамжосига зиёратга юборилди...

— Маҳаллада мактаб—маҳалла—оила ҳамкорлигини яхши йўлга қўйганмиз, — дейди фуқаролар йиғининнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Дилфуза Сафарова. — Шу боис, ўтказаётган тадбирларимиз қизиқарли, мазмунли ва фойдали бўлмоқда. "Балли қизлар", "Балли йигитлар", "Энг одил қайнона", "Отам, онам ва мен — баримиз спортчимиз", "Энг билимдон китобхон", "Сиз қонунни биласизми?" сингари мавзуларда кўплаб тадбирлар ташкил қилмоқдамиз. Бундан ташқари, яқинда маҳалламизда "Терроризм — тараққиёт душмани" мавзусида ота-оналар, ёшлар ва мактаб ўқувчилари ўртасида очиқ мулоқот ўтказдик. Тадбирда туман прокуратураси ва туман ички ишлар бўлими масъул ходимлари иштирок этишди.

Қалқонота маҳалласида ҳунармандлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Оддийгина тол хивичидан сават, чўлпи, гулсават, гулдон ясаётган Наим ака Пирманов ва айниқса, кумушранг туникадан самовар, челак, лаган ва бошқа рўзғор буюмлари ясаётган уста Тошпўлат Раҳмонов ишлари харидорларга манзур бўлмоқда.

Менглибой МУРОДОВ,
"Mahalla" мухбири.

Ибрат

Тошкент шаҳри

ТАБАССУМЛИКЛАР ТАБАССУМИ

Собир Раҳимов туманидаги Табассум маҳалласи аҳлининг юзларига табассум энганига анча бўлди. 2003 йили Миркомил Раҳмонбердиев бу маҳаллага раис этиб сайлангунга қадар маҳалла идораси ўрнидаги кўримсиз ва каталакдек хоналардан иборат бинода аҳолини қабул қилишга шароит йўқ эди. Тадбиркор ва ташаббускор Миркомил ака аввало маҳалла аҳли билан тил топишди.

Оқсоқол маҳалла фаоллари билан ҳамжиҳатликда маҳалла биносини янгилаш ишларини бошлаб юборди. Тезда барча қулайликларга эга бўлган янги бино қад кўтарди. Унинг ёнига новвойхона ва сартарошхона қўшилди.

Маҳаллада беш ярим минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Улар орасида 24 нафар якка-ёлғизлар, 73 нафар боқувчисини йўқотганлар, 16 нафар ногирон инсонлар, 11 нафар уруш фахрийлари бўлиб, уларга маҳалла ва ҳомийлар томонидан моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Жумладан, Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан маҳалладаги уруш ва меҳнат фахрийлари учун уюштирилган катта байрам тадбирининг ҳомийси ҳам, ташкилотчиси ҳам Миркомил Раҳмонбердиев бўлди.

Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан маҳалла ҳудудида олиб борилган кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишларини туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда бажарилганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Айниқса, Темир йўл бошқармаси ҳомийлигида маҳалладаги барча уйларнинг томлари шифер билан ёпилиб, ертўлалар тозаланиб, канализация тармоғи янгиланган айни муддао бўлди.

Бундан ташқари, туман ҳудудида жойлашган 33-поликлиника ва республика Скрининг маркази билан ҳамкорликда гинеколог, дерматолог, болалар шифокори, терапевт, эндокринолог ва бошқа шифокор мутахасислар билан аҳоли ўртасида "Энг яхши хонадон", "Энг яхши қайнона", "Энг яхши келин", "Энг тотув оила" мавзуларида турли тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Шунингдек, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда маҳалла милиция таянч пункти ходимлари билан маҳалла посбонлари ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар. Хусусан, Андижон воқеаларидан сўнг маҳаллада ҳушёрлик янада кучайтирилди. Улар хонадонларда юриб паспорт тизимини қатъий текширмоқдалар. Муқаддам судланган фуқаролар қатъий назорат остида, оилавий жанжал, ичкиликбозлик, наркоманияга қарши аҳоли билан якка тартибда иш олиб бориляпти. Бунинг натижасида жорий йилнинг ўтган даврида маҳаллада бирор оилавий жанжал ёки тўполон, ўғирлик ҳолати кузатилмади.

Дарҳақиқат, қаерда яхшилик, савоб, меҳр-мурувват бор экан, ўша ерда тинчлик ва осойишталик, хонадонларда барака, тотувлик бўлади. Буни Табассум маҳалласи аҳли яхши англаб етадилар.

Марям АҲМЕДОВА

Хоразм вилояти

Мамлакатимизда ҳар бир соҳа ходимларининг ўз тармоқ нашрларига эга эканлигини мустақиллигимиз шарофати билан изоҳлаш мумкин. Энг қувонарли жиҳати, ана шундай даврий матбуот нашрлари бугун вилоятлар, шаҳар ва туманлар марказларида ҳам фаолият олиб бормоқда. Хоразмда нашр этилаётган вилоят ички ишлар тизими ходимларининг "Осойишталик учун" газетаси ҳам айни пайтда нафақат соҳа хизматчиларининг, балки бутун хоразмликларнинг севимли нашрига айланган.

СУРАТДА: *"Осойишталик учун" газетасининг бош муҳаррир ўринбосари Мирза Абдуллев (ўнгдан) жамоатчи мухбир Кўзи Давлатов билан газетанинг навбатдаги сонини муҳокама қилмоқда.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Қорақалпоғистон Республикаси

МАКТАБЛАР ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ШАЙ

Хўжайли туманида "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури"ни ҳаётга татбиқ қилиш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, мактаблар бинолари, кўргазмали ўқув қуроллари билан таъминланган фан ва ўқув хоналари алоҳида аҳамиятга эга эканлиги эътиборга олиниб, билим масканларини таъмирлаш барвақт йўлга қўйилди. Мавжуд 72 та умумтаълим мактабларидан 7 таси капитал таъмирдан чиқарилди. 4 та мактаб биноси эса янги ўқув йилига тайёр ҳолга келтирилди.

Мактабларни таъмирлашда маҳаллалардаги тадбиркорлар, саховатпеша инсонлар ҳамда ота-оналарнинг кўмаги ҳам салмоқли бўлди. Улар томонидан ажратилган салкам 15 миллион сўмлик маблағ ва баъзи қурилиш материаллари биноларни таъмирлашда қўл келди.

"БАНДЛИК"НИНГ ТАДБИРИ

Маълумки, ишсизликнинг олдини олишда "Бандлик" дастурига амал қилиш муҳим рол ўйнайди.

Дастурда асосий эътибор бўш иш ўринлари ярмаркаларини ташкил қилишга қаратилган. Яқинда Нукус шаҳрида ўтказилган ана шундай тадбирда кўзланган натижаларга эришилди.

Ярмаркада 73 та ташкилот, корхона, ўқув масканлари 178 та бўш иш ўринлари билан қатнашди. Натижада 106 киши муқим иш ўринларига эга бўлди.

Асилбек ИСКАНДАРОВ,
"Mahalla" мухбири.

"Футболимиз келажаги" турнири мусобақаларида

МАҲАЛЛА МАЙДОНИДА

Маълумки, мамлакатимиз маҳаллаларида оммавий спортни ривожлантириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, шунингдек, ёш авлодни баркамол инсонлар қилиб вояга етказиш мақсадида Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси томонидан ҳар йили юртимизда анъанавий "Футболимиз келажаги" турнири мусобақалари ўтказиб келинмоқда.

Айни пайтда 15-16 ёшли ўсмирлар ўртасида турнир мусобақаларининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлар босқичи якуний баҳслари бўлиб ўтмоқда. Яқинда ушбу беллашувларнинг Андижон ва Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри бўйича ғолиб жамоалари номи маълум бўлди.

15-16 ёшли ўсмирлар ўртасида "Футболимиз келажаги" турнирининг Андижон биринчилиги учун кечган якуний баҳсида тўртта жамоа — Асака шаҳридаги Матёқубов номли, Хўжаобод туманидаги Гулистон, Пахтаобод туманидан Ҳабибий номли ҳамда Улуғнор туманидан Сариқсув маҳаллалари ғолиблик учун тўп сурдилар. Қизғин беллашувлар якунида асакаликлар 1-ўринга, хўжаободликлар 2-ўринга ҳамда улуғнорлик ёш футболчилар 3-ўринга сазовор бўлди.

Турнирнинг Тошкент вилояти босқичи ғолиблигига даъвогар бўлган жамоалар ўртасидаги учрашувлар ҳам юқоридаги каби қизиқарли дақиқаларга бой бўлди. Ўйинлар якунида Оққўрғон туманидаги Уста-Нормат маҳалласи футболчилари 1-ўрин, Қибрайнинг Янгиобод маҳалласи ўсмирлари 2-ўрин ва Зангиота тумани А.Яссавий номли маҳалла вакиллари 3-ўринни эгаллади.

"Футболимиз келажаги"нинг Тошкент шаҳри биринчилиги учун курашишга бел боғлаган жамоалар С.Раҳимов туманидаги "Истиқлол" ўйингоҳида майдонга тушдилар. Мусобақада Миробод туманининг Билимдон маҳалласи вакиллари қўли баланд келиб, турнирнинг пойтахт ғолиби бўлган бўлса, иккинчи ўринга Шайҳонтоҳур туманидаги Комолон маҳалласи, учинчи ўринга Чилонзор туманининг Чилонзор маҳалласи футболчилари муносиб деб топилди.

Айни кунларда бошқа ўсмир ёшдаги болалар ўртасида турнирнинг навбатдаги мусобақалари ўтказилмоқда.

МУХБИРИМИЗ

ЮКСАК ИРОДАЛИ ХАЛҚИМИЗ БЎҲТОНЛАРГА ИШОНМАЙДИ

Мулоҳаза

АНДИШАНИНГ АДАДИ

Навоий вилояти

Дунё халқлари луғатидан "Андиша" сўзининг айнан муқобили бўла оладиган сўз ёхуд таърифни топиш маҳол. Чунки андишалилик, вазминлик, мулоҳазакорлик бизнинг бағрикенг, меҳмондўст, болажон халқимизга хос. Бироқ ўзбекнинг номини дунёга таратган ушбу хислатлар баъзида ўзимизга панд бериб қўяётганидан кўз юмолмаймиз.

Андижон воқеаларини олайлик. Хўш, ушбу нохуш ҳолатларнинг келиб чиқиши, фожеаларнинг илдизи қаерга бориб туташади? Қўй оғзидан чўп олмайдиган, етти ўлчаб бир кесадиган меҳржон халқ фарзандларидан нега юртига хоин, ўз биродарларига қарши қурол ушлаган нокаслар чиқди?!

Ҳаммамиз маҳаллада яшаймиз. Маҳалланинг каттаси, отаси ким? Албатта, шу эл орасида униб-улғайган, ҳурмат-эътибор қозонган ва энг асосийси, кўпнинг хоҳиш-иродаси билан йўлбошчи этиб сайланган инсонда! Давлатимиз ҳам Президентимиз бошчилигида ушбу қадимий бошқарув тизимини тараққий топтириш йўлида қатор ислоҳотларни амалга ошираяпти. Ана шундай бир шароитда бизнинг хатога йўл қўйишимиз қимматга тушиши мумкинлигини барчамиз кўриб-билиб турибмиз.

Бугун қўшнимиз хонадонида жанжал бўлса, индамай кўя қоламиз, "аралашмаганим маъқул" деймиз, маҳалладошимизнинг ўғли ёки қизи эгри йўлга юрса, кўриб кўрмаганга оламиз. Бу бепарволик ёхуд шу қўшнимизга, маҳалладошимизга жонимиз ачимаганидан эмас, балки тоғдан-да баланд ғуруримиздан, тошдан-да мустаҳкам андишамиздан...

Андижондаги хунрезликларни содир этганларнинг кўпчилиги ҳам шу юрт фарзандлари. Улар ҳам каттаси бор, маслаҳатчию посбони ишлайдиган, кўпни кўрган бамаъни отахонлари, кайвони онахонлари яшайдиган маҳаллада истиқомат қилганлар. Ота-онасининг кўзини шамғалат қилиб эгри йўлга қадам босган нобакор фарзанднинг қинғир ишларини ана шу одамлар кўрмаган, билмаган десак, тўғри бўлармикан?! Ота-она ўз жигарбандининг нималар билан машғуллигини билмаса, қуни-кўшни андиша қилиб дамини ичига ютса, маҳаллани кунига ўн марталаб кезиб чиқадиган ҳушёр посбонлар шубҳали кимсани пайқамаса, шу ҳудудда фаолият юритувчи милиция таянч пункти ходимлари бепарво бўлса, маҳалланинг каттаси эса ҳеч нарсадан бехабар қўйнида илон сақлаб юраверса, юртнинг тинчлиги, элнинг осойишталиги учун ким нечоғли жавобгар бўла олади?!

Тўғри, бундай мулоҳазалар билан барчани айбламоқчи, юртдошларимизга хос фазилатларга таъна қилишга ҳақли эмасмиз. Мақсадимиз эртага яна шундай нохушликларнинг такрорланмаслиги учун қайғуриш, ҳамюртларимизни, маҳалладошларимизни огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашга чақириш. Зеро, бугунги лоқайдлигимиз, бепарволигимиз ва ниҳоят андишалилигимиз эртанги осойишталигимизни таҳликага қўйиш билан баробар.

Тилав БОБОЕВ,
"Маҳалла" жамғармаси Учқудуқ тумани бўлинмаси раиси.

Муносабат

„ОСМОНГА ТУПУРСАНГ..." МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ

"Mahalla" газетасининг 2005 йил 22 июнь сонида эълон қилинган ушбу мақола ўз Ватанини жондан севиб ардоқловчи, унинг шаъни, номуси учун ҳар қандай синовларга дош бера оладиган, иймони бутун, қалби пок ҳар бир ватандошимизнинг юрагидан чиққан қалб нидоси янглиг янгради.

Ушбу мақолада муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек, ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмаган ва бўлмайди ҳам, деган ҳаётий ҳақиқат Би Би Си чилдирмасига ўйнаётган М.Азаматова ва унга ўхшаш сафсатабозларнинг қиёфаси орқали очиб берилган.

Унда баён этилган фикрларга қўшилмасликнинг сира иложи йўқ. Чунки мақоладаги ҳар бир фикр аниқ далиллар орқали баён этилади.

Бугун Бухоронинг қайси бир гўшасига бориб, эл-улус билан суҳбатлашсангиз Андижон воқеаларининг сабабчилари — мустақиллигимизни, Ўзбекистоннинг бугунги равнақини кўролмаётган ғаламислардан нафратланади, лаънатлайди. Тўғри-да! М.Азаматова ва унга ўхшаш нохолис мухбирлар қачонгача оқни-қора, қорани-оқ деб аюҳаннос солишади. Маҳалла ва қишлоқларимизда бўлиб ўтаётган учрашувлар ва суҳбатларда фуқароларимиз қора ниятли бундай кимсаларнинг ниқобини йиртиб ташлашга қодир журналистлар давраси янада кенгайиши, бор ҳақиқатни элга бутун бўй-басти билан айтиш лозимлиги тўғрисида фикрлар билдиришмоқдалар.

Беҳбуд ЖУМАЕВ,
"Маҳалла" жамғармаси Бухоро вилояти бўлими раиси.

Тошкент вилояти

Янгийўл туманидаги Халқобод қишлоғи ҳудудида жойлашган "Мавлоно" хусусий ишлаб чиқариш корхонасида тайёрланаётган маҳсулотларга кундан-кунга талаб ошиб бормоқда. Айни пайтда корхонада ишлаб чиқарилаётган турли хил шарбатлар, мураббо ва тузлама каби маҳсулотларни нафақат туман, вилоят, балки бутун мамлакатимиз бозорлари расталарида учратиш мумкин.

СУРАТДА: корхона технологи Венера Абдуқодирова ҳамда цех бошлиғи Акбар Баҳромовлар ишлаб чиқарилган маҳсулотларни кўздан кечирмоқдалар.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Наманган вилояти

Маҳалламиз посбонлари

АТАНГАНЛИК ҲУШЁР ОДАМЛАР

Ярим тун. Наманган шаҳридаги Атанган гузар маҳалласи фуқаролар йиғинида ташкил этилган тунги навбатчилик иштирокчилари кўчаларни бир-бир кезиб юришибди. Улар эндигина маҳалла идораси олдига етиб келганларида нарироқдан машинанинг овози эшитилди. Навбатчи йигитлар дарҳол уни тўхтатишди. Анчагина уриниб қолган "Москвич" ҳайдовчиси навбатчиларнинг саволларига дарҳол жавоб бера олмай ғўлдиради.

— Нариги маҳалладаги ... танишимнинг олдидан келаётган эдим, — деди у ҳаяжонини яшира олмай.

Навбатчилар машинанинг юкхонасини очишни буюришди. Ҳайдовчи анча пайсаллагандан кейин уларнинг буйруғини бажаришга мажбур бўлди. Юкхонада алюминий симларнинг боғламлари ётарди. Сим янги эмасди, демак, уни кимдир, қаердандир қирқиб олган. Бу ўғирлик ҳам бўлиши мумкин. Ҳамма нарса маҳалла фуқаролар йиғини профилактика инспектори Рустамжон Мўминовнинг хонасига киришганда ойдинлашди. Бу симларни нариги маҳалладан кимдир шаҳарга ташлаб беришни буюрган. Демак, бу ерда бир гап бор. Симларни инспектор хонасига туширишиб, ҳайдовчининг барча ҳужжатларини олиб, уйига жавоб беришди. Кейин маълум бўлишича, бу симлар ҳақиқатан ҳам маҳаллаларга электр қуввати етказиб бераётган жойдан қирқиб олинган экан. Симлар эгаларига қайтарилди.

— Биз вилоят марказига яқин жойда, шаҳарнинг энг четида яшаймиз, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Фазлиддинҳожи Боқиев. — Шунинг учун ҳам истиқомат жойларида тинчлик ва осойишталикни сақлашга кўпроқ ўзимиз масъулмиз. Профилактика инспекторимиз жуда меҳнаткаш йигит. Аммо бир киши — бир киши-да. Посбонларимиз сардори Қобилжон Саидов, навбатчилар Ғофиржон Мамажонов, Бахтиёр Турғуновлар ўша кечаси ҳушёр бўлишмаганда симлар аллақачон бозорда арзонгина сотиб юборилган бўлиши мумкин эди.

Мана ярим йилдирки, маҳалла фуқаролар йиғини ўрамида навбатчиликлар мунтазам ташкил қилинади. Андижон воқеаларидан кейин бу навбатчиликлар янада кучайтирилди. Ҳозир ҳар бир кўчада ўнга яқин ёшлар жадвал асосида навбатчилик қилишади. Маҳаллада 30 дан ортиқ "Дамас" машиналари бор. Шуларнинг ҳайдовчилари ҳам навбат билан маҳалла учун, элимизнинг осойишталиги учун сутка давомида ишлаб бермоқдалар.

Маҳалланинг кўпни кўрган оқсоқоллари Олимжон Жалилов, Турдиали Муҳсинов, Эгамберди Мадраҳимов, ўрамимиздаги жомъе масжиди имом-хатиби Солихон Қурбонов фуқаролар, айниқса ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот, таълим-тарбия ишларини қизғин олиб бормоқдалар. Маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Ҳавохон Иминова ҳам доимий равишда аҳоли-ўртасида бўлиб, опасингилларимизнинг ҳуқуқий билимларини оширишга ёрдам бермоқда.

Оилаларда турли келишмовчиликлар келиб чиқиши сабаблари ўрганилиб, бунинг олдини олиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Шунинг учун ҳам қиз чиқариб, ўғил уйлаётган қудалар тўйдан олдин маҳалла фуқаролар йиғинида суҳбатда бўлиб, тўйнинг ўтказилиш тартиби, келин ва куёвга қилинадиган сарполар ва бошқа совға-саломлар бўйича ўзаро бир битимга келишадилар. Бу битим уч нусхада бўлиб, бир нусхаси йиғин идорасида, иккинчиси қиз ва учинчиси йигит томонида сақланади. Келишмовчиликларни муҳокама қилиш пайтида эса ана шу битим асос бўлиб хизмат қилади.

— Жорий йилнинг ўтган даврида йиғинимиз ҳудудида бирорта жиноят ва оилавий жанжаллар юз бермади, — дейди маҳалла оқсоқоли ўз сўзида давом этиб. Бунга юқорида айтилган саъй-ҳаракатларимиз, осойишталикни сақлашда кенг халқ оммасининг фаол иштироки сабаб бўлган бўлса ажаб эмас. Биз бу муҳим ишларимизни бундан кейин ҳам кенг қўламда олиб бориш ниятидамиз.

Шер АЛИ

Замондошлар эътирофида

ПАНЖИ БОБО ТАШАББУСИ

Давр одамларни жасоратга чорлайди, шунда ҳар даврнинг ўз қаҳрамонлари яралади. Бешкўтон—Шеробод чўлларини ўзлаштириш бошлангандан буён ҳам мана, ярим асрча вақт ўтди. Демак, бугунги саксон яшар қария ўшанда ўттиз ёшли қирчиллама йигит бўлган.

Музработлик Панжи бобо Шерназаров ҳақида гап кетганда, уни бир вақтлар узоқни кўзлайдиган, бошлаган юмушини ниҳоясига етказа оладиган бир сўзли инсон бўлганини гапирадилар. Ҳамон унинг ўткир сўзи бор. Шижоатли меҳнатига ҳавас қиласиз. Оддий бир пахта пункти ўрнига улкан пахта тайёрлаш корхонаси қурилишига ҳисса қўшди. 17 йил шу пахтани қайта ишлаш масканига раҳбарлик қилди. Корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш Панжи аканинг эзгу мақсадига айланди. Шу тариқа йиллар ортда қолди, топгани одамларнинг меҳри, топгани оиладаги 8 нафар фарзанди.

Панжа бобонинг ўғли Нормуродни отаси ўрнига раҳбарликка сайлашни тавсия этдилар. Бу пайтга келиб жамоа аъзолари сони 670 нафарга етган, уларнинг 430 нафари малакали мутахассислар эди. Корхонадаги пахтани қайта ишлаш ускуналарини замонавийлаштириш, қўл меҳнатини енгиллаштириш, сифат ва самарадорликка эришиш кўп жиҳатдан раҳбарнинг ғайратига боғлиқ эди. Жамоа аҳиллигидан ишнинг самараси яққол кўзга ташланди. 2004 йилнинг ўзида 676 та ширкат ва фермер хўжаликларидан қабул қилинган 42420 тонна юқори навли "оқ олтин" қайта ишланиб, момиқларга айлантирилди. Франция, Белгия, Англия, Швецария... каби ўнлаб мамлакатлар ана шу маҳсулотга харидор бўлди. Тайёр тойланган момиқлар экспорт қилинди. Корхона йилни катта иқтисодий фойда билан якунлади.

Музработликлар мазкур корхонани мурувват кошонаси деб бежизга айтишмайди. Корхона раҳбари билан суҳбат бўлаётган пайтда хонага Гагарин номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Муқаддасхон Миралиева ва котиб Ўринбой Соҳибовлар ташриф буюрдилар. Маҳалладаги ночор оилаларга моддий ёрдам кўрсатишга ҳомийлик қилиш илинжида келибди улар. Нормурод Шерназаров маҳалладаги ночор оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш учун 100 минг сўм маблағ ажратишга кўрсатма берди. Корхона ўзининг ёрдамчи хўжалигига эга. Хўжаликда ўн етти бош соғин сигир бор. Соғиб олинаётган сут корхона ишчи-хизматчиларига текинга берилади. Ҳар йили 15-16 бош қорамол бўрдоқига боқилиб, турли байрамларда сўйилади ва ҳар бир ишчига 2-3 килограммдан гўшт тарқатилади. Иссиқхонадан териб олинаётган 450-500 килограм лимонларнинг асосий истеъмолчилари ҳам шу жамоа аъзолари. Бундан ташқари, 4 нафар бўлажак мутахассис олийгоҳларда корхона ҳисобидан таълим оляпти. Учта маҳалла, мактаб ва болалар боғчаси унинг ҳомийлигида. Туман ҳудудидаги ҳарбий қисмда хизмат қилаётган чегарачи аскарлар билан учрашувлар уюштириш, уларга совға-саломлар улашиш одат тусини олган. 580 минг сўм маблағ ўтган йили ана шу мақсадга сарфланди. Иккита автобус ишчилар хизматида.

... Нормурод бугун уйга эртароқ йўл олди.

— Уйга ҳайда, бобой хайрли бир ишни бошлаганлар, — деди у ҳайдовчига.

Улар фермер хўжалигида етиштирилган ғалланинг режадан ортиқчаси ҳисобидан маҳалладаги кам таъминланган оилаларга ризқ-насиба тарқатишарди.

Дарвоқе, бобо тушмагур бошқалар сингари узала тушиб ётишни хуш кўрмайди. Ўғиллари, келин ва невараларини ёнига олиб, фермер хўжалиги ташкил қилган. Асосан ғалла етиштирилади. Уйда ўнлаб қорамол, қўй-эчки боқади. Энг қувончлиси шундаки, хўжаликдан олинган фойданинг қарийб ярми меҳр-мурувват ишларига, 14 та кам таъминланган оилага ҳомийлик қилиш учун сарфланади. Ҳа, Панжи бобо хонадонида меҳр-мурувват, саховат яшайди. Самарали меҳнат ортидан даромад топаётган бу бағрикенг инсонлар ҳимматидан баҳра олаётганлар анчагина.

Омон ШУКУРОВ,
Парда НАЗАРОВ.

Сурхондарё вилояти

Маҳаллада ёзги тадбирлар

УЧТЕПАнинг СОҒЛОМ БОЛАЛАРИ

Учтепа туманидаги Ўрикзор маҳалласида "Фарзандларимиз саломатлиги — юрт бойлиги" мавзусида давра суҳбати бўлди. Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Республика Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси шаҳар бўлими, Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси Учтепа тумани бўлинмаси ҳамда "Mahalla" газетаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда тиббиёт ходимлари, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари, таниқли санъаткорлар ҳамда спортчилар иштирок этди.

— Ёшлар эртанги кунимиз бунёдкорлари экан, уларнинг сиҳат-саломатлиги, жисмоний ва маънавий камолоти ҳақида қайғуриш барчамизнинг зиммамиздаги энг масъулиятли вазифалардан биридир, — дейди Ўрикзор маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Раҳимжон Нодиров. — Биз ҳам бу борада ҳудудимизда маҳалла-мактаб-оила ҳамкорлиги асосида турли тадбирлар ташкил этаяпмиз. Шуни таъкидлаш жоизки, маҳалламизда болалар спортига ҳам катта эътибор қаратилаяпти. Ҳудудда "Ўрикзор" футбол жамоаси тузилган бўлиб, улар маҳалла гузари қошида ажратилган ўйингоҳда машғулотлар ўтамоқда. Спортнинг таэквандо тури бўйича Нурали Каримов ёшларга сабоқ бераяпти. Шунингдек, маҳаллада ҳар йили шахмат ва шашка турнирларини ўтказиш анъанага айланган.

Шунингдек, тадбирда тиббиёт ходимларининг чиқишлари ҳам қизиқарли бўлди. "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси томонидан маҳалла болажонларига совға-саломлар топширилди.

Замира ТОШЕВА

СУРАТДА: *Ўрикзор маҳалласи ёш спортчилари.*

Тошкент шаҳри

Қиниирнинг қилиги

СОХТА ТАДБИРКОРЛАР

Йиғин фаоллари булардан воқиф эмасмиди?!

Мамлакатимизда кичик бизнес, тадбиркорлик фаолиятига, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб берилмоқда. Ишнинг кўзини билиб замон талабига мос қадам ташлаётган ишбилармонлар янги-янги ташаббус билан чиқиб, бозорларни истеъмолчи талабига мос турли-туман маҳсулотлар билан тўлдириб, ҳам ўзларига, ҳам халқ, давлатга катта фойда келтирмоқдалар. Қўли очиқ, саховатпеша тадбиркорларнинг ҳиммати-дан қишлоқлар, маҳаллалар ҳам обод бўлаётир.

Аммо улар орасида "аканг қарағай тадбиркор" деб кўкракларига урриб, аслида эса фақат қинғир йўл билан, бойлик орттириш ўйи билан яшаётганлар ҳам топилади. Улар тадбиркорликнинг ўзига хос қонун-қоидалари борлиги, тегишли ташкилотлардан рўйхатдан ўтиш, олинадиган даромаддан маълум миқдорда солиқ тўлаш лозимлигини хаёлларига ҳам келтирмайдилар.

Ғузор туманидаги Ғармистон қишлоғида яшовчи Баҳриддин Муродов, Батош қишлоғидан Ўрал Йўлдошев, Навоий номли кўча 49-уйда яшовчи Ўрин Ражабов ўз хонадонларида ун ишлаб чиқариш цехи очиб олдилар. Аммо тегирмончилар туман ҳокимлиги ҳамда солиқ идорасидан рўйхатдан ўтишни ўзларига эп кўрмадилар. Солиқ идораси бу яширин цехлардан хабар топиб, улар фаолиятига чек қўйди. Бундай қонунсиз тегирмонлар учун деҳқонободлик Т.Беккамов, Й.Расулов, Б.Абдуллаев, Р.Каримов, Д.Акешов, Муборак туманидаги Х.Оқмаматов, Геолог маҳаллаларининг фуқаролари У.Хўжамуродов, М.Қувватовлар ҳам катта миқдорда жарима тўладилар.

Чироқчи туманидаги Чиял, Қумдарё қишлоқ фуқаролар йиғинларида пинҳона равишда ёғ ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келган О.Арабов, Б.Ўтагановлар қўлга тушиб, жарима тўлашди. Бу цехлардан чиқаётган маҳсулотлар истеъмол учун яроқли деб ким айта олади?

Хўш, бу цехлар ҳар бир килограмми қатъий ҳисобда бўлган пахтани, чигитни қаердан олишаяпти?

Қашқадарё вилояти давлат солиқ бошқармаси биргина шу йилнинг беш ойи мобайнида 80 дан ортиқ ана шундай цехларни аниқлади ва фаолиятини тўхтатди. Уларнинг айримлари қўлбола ароқ ишлаб чиқарадиган цехлар эди. Косон туманидаги Янгиобод маҳалласида яшовчи Б.Қурбонов, Шаҳрисабз туманидан А.Бўронов, Чироқчи туманидаги Торжилға қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Б.Бойқобиловлар қатор йиллардан буён қўлбола ароқ ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келганлар. Хўш, улар ўзлари ясайдиган ароқларнинг истеъмолга яроқлилиги ҳақида кафолат бера оладиларми? Асло йўқ.

Энди бир муҳим гап: хўш, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳалла мутасаддилари, фаоллар шундайгина ёнбошларида, бурнилари остида рўй берадиган бу ҳуқуқбузарликлардан нега бехабарлар? Ана шу яширин цех эгаларига ўз вақтида керакли маслаҳатлар, насиҳатлар берилганда, қайсарлик қилинган тақдирда керакли ташкилотлардан ёрдам сўраганларида, фуқароларини турли қулфатлардан асраб қолган, ўз навбатида қишлоқлари, маҳаллалари обрўсига путур етказмаган бўлардилар.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ

Қашқадарё вилояти

"УЛУҒ ОСТОНА – ОИЛА ЯГОНА"

Ғузор туманидаги "Мустақиллик" истироҳат боғида ўтказилган вилоятдаги оилавий ансамблар ҳамда миллий чолғу асбоблари ижрочиларининг кўрик-танлови ана шундай номланди.

Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, халқ ижодиёти ҳамда маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, Ўзбекистон Либерал демократик партияси вилоят кенгаши, "Олтин мерос", "Маҳалла" жамғармалари вилоят бўлимлари томонидан ташкил этилган мазкур кўрик-танлов воҳада оилавий ансамбллар сони ўсаётганлиги, уларнинг репертуари тобора бойиб бораётганлиги, миллий чолғу асбоблари ижросига бўлган талаб ўсиб, ансамбллар иқтидорли ёшлар ҳисобига тўлиб бораётганлигини кўрсатди.

Ҳакамлар ҳайъати Яккабоғ туманидаги Исоқовлар оиласини олий ўринга муносиб деб топди. Биринчи ўрин ғузорлик Сатторовлар оиласи ҳамда Қарши шаҳрилик "Қашқадарё" гуруҳи чолғучиларига насиб этди.

Э.ҚУРБОНОВ

Газета ва муштарий

"МАНАЛЛА"СИЗ МАҲАЛЛАЛАР...

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Аввало бунда жамғарма бўлим ва бўлинмаларининг тарғиботда сустлиги, фуқаролар йиғинлари раҳбарларининг лоқайдлиги сезилиб турибди. Кези келганда шуни айтиш керакки, бўлим ва бўлинмалар ҳисобларидан ҳам фуқаролар йиғинларини қўллаб-қувватлаш мақсадида обуна уюштирилса, жамғарма Низомига зид иш бўлмаган бўларди. Афсуски, бундай қилинмаган. Балки бўлим ва бўлинма раҳбарлари жамғарма маблағидан бундан-да оқилонароқ фойдаланиш учун бу ишни лозим кўрмагандир. Республика бошқаруви томонидан текширилганда эса жамғарма фаолияти хусусиятига унча яқин бўлмаган "фаолиятлар" аниқланди. Бундай мисоллар кўп. Лекин биз обуна баҳонасида фақат қуйидаги мисолни таҳлил қилайлик. "Маҳалла" жамғармаси Гулистон шаҳри бўлинмаси ҳисобидан 2004 йилнинг сентябрь ойида "Ал-ҳаёт плюс" масъулияти чекланган жамият ҳисобига 300 минг сўм маблағ ўтказилган. Шартномада қайд этилишича, МЧЖ бу маблағ эвазига "...**Гулистонликларнинг ижтимоий-маънавий-маърифий даражаларини юксалтиришни назарда тутиб ва "Коинот" газетасида миллати ва динидан қатъий назар барча инсонларни меҳр-оқибатга чорловчи мақолалардан кишиларни ахлоқи хусния руҳида тарбиялаш ва бундан ташқари маҳалла фаоллари ўз ахлоқий-маърифий фаолиятларида қўллашлари учун"** хизматлар уюштирар экан. Хўш, жамғарма ва йиғинлар фаолиятига бағишланган асосий нашрдан олиниши мумкин бўлган самарадан воз кечиб, "Коинот"дан изланган "нажот" топилдимикин? Афсуски, йўқ. Чунки бу нашрдан сўралган "нажот матни"нинг ўзи кулгили, мантиқсиз. Жамғарма Низомида эса "Коинот" эмас, маҳаллалар, яъни замин ташвиши назарда тутилган. Қолаверса, маҳаллалар фаолиятида асқотиши аниқ бўлган Республика, вилоят, туман миқёсидаги нашрлардан нега шу мақсадда фойдаланмади? Устига устак, бу ўринда мантиқ бузилишидан ташқари қонун бузилишига ҳам йўл қўйилган: МЧЖ билан тузилган мазкур шартномага жамғарма масъули эмас, шаҳар ҳокими ўринбосари М.Азизов имзо чеккан. Шу ўринда бировнинг ҳужжати билан иккинчи идора пули банк орқали бемалол ўтишига йўл қўйган банкирларга ҳам "қойилмиз". Шу йилнинг апрель ойида Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви томонидан жамғарманинг вилоят бўлими, бўлинмаларида махсус текширув ўтказилганда юқоридаги каби ҳолатлар кўплаб аниқланди.

Мантиқли иш туриб беъмантиқлик сари интилиш ҳолатлари Тошкент шаҳри Ҳамза тумани бўлинмаси ҳисоб-китобида ҳам бир талай. Лекин биз бу мақолада бўлинманинг нашрлар билан муносабати ҳақида гапираяпмиз. Шунинг учун шу мавзуга оид далилни айтамиз холос. Шубҳасиз, Ҳамза туманида ҳам "Mahalla" ва ўзига зарур бошқа нашрларни олмаётган маҳаллалар анчагина. Ана шундай вазиятда жамғарманинг бўлинмаси бир партия нашрига 450 минг, бошқа бир соҳа газетаси ҳисобига бир миллион сўм маблағни ўтказган. Биз бу нашрлар маҳалла учун нокерак, демоқчи эмасмиз. Фақат ҳар ишда мантиқ бўлсин, деймиз. Ҳар ҳолда заруриятда ҳам биринчи, иккинчи, ... ва ўнинчи... деган каби мантиқий саноқ бор.

Қолаверса, бўлинма раҳбарларига "Mahalla" газетасининг маҳаллаларга етиб боришини таъминлаш сўралиб республика бошқаруви томонидан қанча маротаба мурожаат қилинса-да, нега бундай хайрли иш "Mahalla"га нисбатан қилинмади, деган савол ҳам ўринли бўлади. Нима бўлганда ҳам газетамизнинг барча фуқаролар йиғинлари мутасаддиларига қарата бир шиори бор: "Mahalla" газетасига обуна бўлиш учун ҳали эрта ёки кеч бўлди деб ўйламанг!

Мавлуда ҚОСИМОВА

Андижон вилояти

КОМИССИЯЛАР МАДАДКОР

Савай маҳалласи фуқаролар йиғини Қўрғонтепа туманидаги энг йирик йиғинлардан ҳисобланади. Бу ерда бир ярим мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилмоқда. Улар орасида ўзбек, рус, татар, қирғиз, уйғур, тожик, турк ва бошқа миллат вакиллари аҳил ва иноқ яшамоқдалар.

— Маҳалламиздаги барча ишларнинг бир маромда бориши, аҳолининг ҳар жиҳатдан иттифоқлигини таъминлашда асосий йўналишдаги ўн битта комиссияларимизнинг фаолияти катта аҳамиятга эга, — дейди йиғин раиси Нўъмонжон Нуралиев. — Мана биргина тўй-маросимлар комиссияси ишини оладиган бўлсак, унинг аъзолари шу йилнинг бошидан бери оила қурган ўнга яқин хонадонларда ёш оилаларга мададкор бўлиб келишмоқда. Комиссия раиси Зулхуморхон Каримова ёшлар билан дилдан суҳбат қуриб, уларнинг муаммоларини ҳал этишга кўмаклашмоқда.

Маҳаллада меҳнат фахрийлари Бозорбой Абдураҳмонов, Тиловолди Бобохонов, давлат нотариал идораси бошлиғи Маликахон Очиловаларнинг истиқомат қилиши ҳам кўплаб муаммоларнинг барвақт ҳал этилишига ёрдам бераётир. Шунингдек, ёшлар билан ишлаш, ободончилик ва коммунал тўловлар, яраштириш комиссияларининг фаолияти ҳам диққатга сазовордир.

Узоқбой САКСОНБОЕВ

Олам турфа

БОШИ ТОШДАН ҲАМ ҚАТТИҚ

Испаниянинг Гранада шаҳри фуқароси Александро Осорнос тўпни боши билан ўйнаётган футболчиларни кўриб, мийғида кулиб қўяди.

Бунинг сабаби бор албатта, чунки 23 ёшли бу йигит футбол тўпини эмас, балки уч килограммгача бўлган турли тошларни бемалол 4-5 метр масофадан боши билан қабул қила олади. Маълум бўлишича, Осорноснинг бош суяги оддий одамларникига нисбатан бирмунча қалин экан.

ХУРАНДАЛАР ҲАЙДАБ ЧИҚАРИЛДИ

Глазго шаҳридаги ресторанлардан бирининг эгаси хурандаларни кўпроқ йиғиш мақсадида қуйидаги эълонни осиб қўйди:

"Бугундан бошлаб ресторандан охирги бўлиб чиқиб кетган кишига эртаси куни бепул хизмат қилинади". Эълондан сўнг ресторан хурандалар билан шунақанги тўлиб кетдики, ресторан иш вақти тугагач, уларни фақат ҳайдаб чиқаришга тўғри келди.

ХУШТАКЧИ БИНО

Нью-Йорклик бир корчалон эҳтиёт ният билан шаҳарнинг 56-кўчасида валандлиги 270 метр келадиган осмонўпар бино қурдирди. Аммо вахтга қарши бино хуштак чалаётганлар ҳилидан чиқиб қолди.

Шамол бўлиб турган кезларда бинодан шундай кучли хуштак овози чиқадики, ҳатто икки мавзе наридан ҳам бу овоз эшитилиши мумкин. Бунинг сабаби эса ҳозирча номаълум. Бироқ шуниси маълумки, теварак-атрофда яшовчи аҳоли шикоятидан уй хўжайини 200 доллар жарима тўлади ва хуштак чалинишининг сабабини аниқлаш, уни бартараф этиш юзасидан буйруқ олди.

АЁЛ 5 ТОННА ИДИШ-ТОВОҚ КЎТАРАДИ

Германиялик мутахассислар турли ишларни ҳисоб-китоб қилиш учун ошхона компьютерини ихтиро этишди.

Дюссельдорф шаҳрилик бир уй бекаси шу компьютер ёрдамида бир йилда ошхонада қилган юмушларини ҳисоблаб чиқди. Уй бекаси шу даврда 12 мингта тарелка, 8 мингта қошиқ ва вилка ювган экан. Аёлнинг бир йилда у ердан бу ерга ташиган идиш-товоқлари 5 тоннани ташкил этибди.

М.ИСЛОМОВА тайёрлади.

2005 йил 6 июль
26-27 (460-461)

Қорақалпоғистон Республикаси

"ЭКОСАН"нинг ХАЙРИЯ МИССИЯСИ

Халқаро "Экосан" жамғармасининг галдаги махсус поезди Нукусга келди. Ундаги 41 миллион сўмлик дори-дармонлар, кийим-кечакларнинг кўп қисми Оролбўйида фаолият кўрсатаётган 20 та оромгоҳларда биринчи босқичда дам олаётган 1670 нафар болаларга етказилди.

— Бундай поездлар Қорақалпоғистонга мунтазам равишда юборилаяпти, — дейди "Экосан" халқаро жамғармаси раиси Юсуф Шодиметов. — Фақат ўтган йили умумий қиймати 241 миллион сўмлик инсонпарварлик юклари юкланган 4 та поездлар мураккаб экологик шароитдаги Оролбўйи аҳолисига етказиб берилди. Ҳозирги поездимиз бу йил ҳисобидан иккинчисидир. Биз хориж элчихоналари, халқаро ташкилотлар эътиборини Оролбўйи муаммоларини ҳал этишга кўмаклашишга жалб қилиш учун тадбирлар ўтказяпмиз.

Асилбек ИСКАНДАРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Ўтмиш тилсими

МОЗИЙДАГИ ОБОД МАНЗИЛГОҲ

ёки қадимий Варахша шаҳри тарихи хусусида

"У Бухоро шаҳридан қадимийроқдир, у подшоҳлар турадиган жой бўлиб, мустаҳкам Ҳисорга эга бўлган. Чунки подшоҳлар уни (Ҳисорни) бир неча марта мустаҳкамлаганлар. Унинг Бухоро шаҳрининг девори сингари девори ҳам бўлган. Варахшанинг ўн иккита ариғи бор. Бу қишлоқ Бухоро деворининг ичкарисида жойлашган. Унда обод бир қаср бўлган, шундайки, гўзаллиқда уни намуна қилиб кўрсатар эдилар. Уни Бухорхудот бино қилган бўлиб, қурилганига минг йилдан ортиқроқ вақт ўтган".

Наршахийнинг "Бухоро тарихи" китобидан.

Буюк Ипак йўлида жойлашган, бир замонлар маданият ва санъат, меъморчилик, ҳунармандчилик ва савдо ривожланиб, гуллаб-яшнаган қадимий Варахша шаҳри кейинчалик инқирозга учраб харобага айланган. Бугунги кунда қадимий Варахша шаҳри харобаси Бухородан 40 километр шимолий-ғарбда, Дашти Урганжи кўлининг қадимги Ражфандун воҳасида жойлашган. Варахша вайроналари жойлашган ҳудуд 9 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, баландлиги 10-20 метрли улкан тепалик шаклида бизгача сақланиб қолган.

Варахша милоддан аввалги II асрда бир-бирига туташган бир нечта истеҳкомли қишлоқлар тарзида қад кўтарган. Ўша вақтларда шаҳар ва унинг атрофлари баланд ва мустаҳкам девор билан ўраб олинган.

Девор йирик хом ғиштдан тиклинган ва баландлиги 2 метр атрофида бўлган. Унинг девори ва буржларида нишон туйнуклари бўлган. Варахшада Бухоро ҳокимлари — бухорхудотларнинг ёзги муҳташам саройи бўлган. Шунингдек, бу ерда кўплаб турар-жой бинолари ҳам жойлашган. Милоддан аввалги II-I асрларда ва милодий I-II асрларда Варахша ва унинг атрофларида маданий ҳаёт гуллаб-яшнаган.

Баъзи сабаблар, хусусан, сувсизлик туфайли III-IV асрларга келиб Варахша шаҳри таназзулга учраган. V аср охири VI аср бошларида суғориш тармоқлари қайта тикланиб, Варахша ва унинг атрофлари яна обод бўлади, гуллаб-яшнайди. Бу даврга келиб, шаҳар атрофи қайтадан мустаҳкам мудофаа девори билан ўраб олинади, унинг жанубий қисмида эса арки аъло ва қасрлар бунёд қилинган. Ана шу даврдан бошлаб Варахша Бухоронинг феодал ҳокимлари — бухорхудотларнинг асосий қароргоҳига айланган. Шунингдек, Варахша шаҳри ва унинг атрофларида янги турар-жойлар, боғу роғлар, суғориш иншоотлари, экин-зорлар барпо этилиб, янада ободонлаштирилган. Бухоронинг X аср тарихчиси Абу Бакр Муҳаммад Ибн Жаъфар Наршахий Варахша қишлоғидаги қадимги ободончиликни тасвирлар экан, ҳудуднинг 12 та канал орқали суғорилганлиги тўғрисида ёзади.

Шундай қилиб, XI-XII асрларда Варахша шаҳрининг ҳудуди анча кенгайиб, энига 6 километрни ташкил этган. Бухоро ва Хоразм оралиғидаги Буюк савдо карвон йўли Варахша орқали ўтганлиги боис ҳар йили бу ерга юзлаб, минглаб савдо карвонлари келиб турган.

Ўрта аср араб географ олимлари, сайёҳлари Ал-Истахрий ва Ибн Ҳавқаллар ҳамда бухоролик тарихчи Наршахийнинг маълумотларига кўра, ҳар 15 кунда Варахшада бир кунлик бозор сайили — Наврўзи Кашоварзон, яъни деҳқонлар янги йили ўтказилган.

Афсус, XII асрда Варахша воҳасидаги ҳаёт тўсатдан, номаълум сабабларга кўра тўхтаб қолган. Вайронага айланган Варахша тарихи асрлар давомида ўрганилмай қолиб кетган.

XX асрнинг 30-йилларига келиб, хусусан, 1937-39 ҳамда 1947-54-йилларда қадимшунос В.А.Шишкин, 1975-77-йилларда А.Муҳаммаджонов, 1977-79-йилларда О.Б.Обельченко, 1987-90-йилларда қадимшунос олима Г.В.Шишкиналар Варахша шаҳри ва унинг атрофларини илмий асосда текшириб ўргандилар.

Аркнинг шарқий қисмида томи равоқсимон гумбаз тарзида ёпилган узун йўлаксимон хоналар — навкархона ва дарвозахона мавжуд бўлган. Аркнинг марказида жанубий томони мудофаа деворига ёндашган Варахша хукмдорининг муҳташам саройи жойлашган. У шарқий ва ғарбий меҳмонхона ҳамда Қизилхона залларидан иборат бўлган. Сарой ғарб томонидан уч равоқли ганчкори устунлар ўрнатилган ҳашаматли пешайвон билан ўралган. Айвон равоқларининг устунлари ва тоқилари ганчкори қабартма тасвирлар ҳамда турли хил гирихлар, яъни мураккаб ҳандасий шаклларнинг такрорланишидан иборат нақшлар билан безатилган. Саройнинг Қизилхона ва шарқий меҳмонхона деворлари майда сомонли лой сувоқ устидан юпқа ганч сувоқ қилиниб, деворий расмлар қизил, сариқ, кулранг, қора, зангори, пушти ва жигарранг бўёқлар билан бўялган. Уларда турли хил манзаралар, фил минган шаҳзода ва чокарларнинг олд ва ортдан човут солган қоплонлар билан олишуви, қайрилиб нишонга камондан ўқ узаётган от устидаги чавандоз, қанотли туя шаклидаги олтин тахтда ўтирган ҳукмдор тасвирланган. Шарқий меҳмонхона деворида тиз чўкиб қўлида қадаҳ тутган малика, белида шамшир, бир қўлида қисқич ушлаган подшоҳ, ўртада вазасимон оташгоҳда ёниб турган муқаддас олов, оташгоҳдан ўнгда белига ҳанжар тақилган шаҳзоданинг тиз чўкиб ибодат қилаётган тасвири ёки совут ва добулға кийган, қўлларида найза, қалқон ушлаган суворийларнинг жанг қилаётгани, шунингдек, бутазор, тўқай ичидаги ов манзараси акс этган.

Қазиб ўрганиш вақтида ушбу манзилгоҳдан бой ва ўрта ҳол кишиларнинг уй-жойлари қолдиқлари топилди ва улардаги ганч ва ўйма безаклар, бўёқлар чуқур ўрганилди. Қазиш вақтида ганчдан жуда моҳирлик билан ясалган аёл калласи, архар расми, шунингдек, бино деворларидан оқ фил минган, найза, шамшир ва арқонлар билан қуролланган аскарлар тасвири ва уларнинг ҳайвонлар ва қанотли аждаҳолар билан жанг қилишлари, филлар, белигача яланғоч аскарлар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган ҳар хил безаклар ва бошқа тарихий буюмлар топилган.

Қолаверса, бу ердан турли даврларда зарб этлган тангалар ҳам топилган. Эътиборлиси, биз юқорида тасвирлаган расмлар ажойиб тасвирий ёдгорликлар бўлиб, Ўрта Осиё халқлари қадимий юксак маданиятининг ёрқин намуналаридан ҳисобланади.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Ҳафта бошларида шахсий режаларингиз амалга ошмаслиги мумкин. Ҳар қандай вазиятда ҳам ўзингизни тута билишингиз керак.

СИГИР(22.04-20.05)
Яқин кунларда сизга қизиқарли таклифлар бўлиши мумкин. Уларни рад этиб нохушликларнинг олдини оласиз.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Муҳим молиявий масалаларни ҳал қилолмай хуноб бўлгандан кўра оилангиз даврасида дам олганингиз маъқул.

КИСКИЧБАКА (22.06-22.07)
Молиявий манфаат кўриш борасида камроқ бош қотириб, майда-чуйда муаммоларингизни ҳал қилиш билан чекланинг.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Шу кунларда ҳар томонлама иродали, жиддий ва бир сўзли инсон эканлигингизни намоён этиш имконияти туғилади.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Ушбу ҳафта давомида ўз салоҳиятингизга ва эртанги кунга ишонч ҳисси сизга панд бериши эҳтимолдан холи эмас.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Дўстларингиз билан турли келишувларни амалга оширманг. Чунки улар сизнинг ишончингизни оқламасликлари мумкин.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Ўз мавқеингиздан фойдаланиб иш кўришингиз ёмон оқибатларга олиб келиши, обрўингизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Сизга омад кулиб боқиши оила аъзоларингизга бўлган эътиборингиз ва муносабатингизга ҳам боғлиқ эканлигини унутманг.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Ўйланмай қилинган таваккалнинг салбий оқибатлари мавжуд эканлигига яқин кунларда яна бир бор амин бўласиз.

КОВҒА (20.01-18.02)
Ноҳақликлар сизни асабийлишишга мажбур қилиши мумкин. Бироз сабр қилсангиз барчаси ўз ўрнига тушади.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Ҳафта давомидаги кўнгилхираликлардан руҳингизни туширманг. Яқинларингиз меҳри сизга кўмак бўлади..

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва Фахрийлар Кенгаши вилоят ИИБ Фахрийлар Кенгаши раиси, истеъфодаги полковник **Муҳитдин Ҳожи ИНОҒАМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига, яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Осудалик омили

МАҲАЛЛАДА ҲАММАЁҚ ТИНЧ

Бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик жамият барпо этилаётган ҳозирги кунда кишиларимизнинг тафаккуридан демократик қадриятлар мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Шу туфайли улар жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканлигини чуқур ҳис этиб, ислоҳотларда ўз қобилиятини намоён қилишга ҳаракат қилмоқда.

Аслида, жамият тараққиётининг тезлашиши, кучли ижтимоий-сиёсий фуқаролик давлати барпо этилишининг кўп жиҳатлари бевосита яшаб турилган ҳудудда адолат, ўзаро ишонч, тенг ҳуқуқлилик, ошкоралик, умуман, демократик қадриятларнинг ижтимоий ҳаётда ўз ифодасини топганлиги билан боғлиқдир.

Бизнинг Миришкор тумани Помуқ Қўрғон ҳудудида турли миллат вакиллари ягона мақсад йўлида бирлашиб барча соҳалардаги ўзгаришларда кўпроқ фаолликни, интизомни, ўзаро ҳамкорлик ва ишончни ошириб бораяптилар. Бу кўпроқ қишлоқ хўжалигида, саноатда ва ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларида намоён бўлмоқда. Бизнинг Помуқ Қўрғон милиция бўлинмаси ходимлари қўл қовуштириб ўтирганлари йўқ. Улар одамлар осойишталигини таъминлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, фуқаролар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, қишлоқ хўжалиги экинларининг пайҳон қилинишига қарши курашиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида қатор тадбирларни ташкил этмоқдалар. Муҳими, амалга оширилаётган кенг қамровли ишларимиз бесамар кетмаяпти. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вояга етмаган ёшлар ўртасида ҳуддудимизда жиноят содир этилмади. Умумий жиноятчилик сони сезиларли даражада камайди, ўта оғир жиноятлар қайд этиламади.

Бунинг асосий омили ёш мутахассисларни соҳага кўпроқ жалб этаётганлигимиз, ходимларимиз фидойиликлари, маҳалла ва жамоат ташкилотлари билан алоқаларимиз тобора мустаҳкамланаётганлиги, аҳоли билан тез-тез учрашув ва анжуманлар ўтказилаётганлиги билан боғлиқ. Бундан ташқари,

Қашқадарё вилояти

бизга Миришкор туман Ички ишлар бўлими ходимлари ҳам яқиндан кўмак бериб келмоқдалар.

Айни пайтда ғўзалар парваришланмоқда, бундан ташқари бу йил фермерларимиз ҳар доимгидан барвақтроқ ғалла мавсумини якунлаш тараддудида. Бундай мавсумларда ички ишлар ходимлари ҳам фаол қатнашяпти. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, Андижонда содир этилган хунрезликлар юртимиз аҳлини янада ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшашга ундамоқда. Бу борада бизнинг бўлинмамиз ходимлари ҳам аниқ режа-дастурлар асосида фуқаролар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари, суҳбатлар ўтказмоқда. Ўз навбатида маҳалла оқсоқоллари, маслаҳатчилари ва фаоллари ҳам бу хайрли ишда бизга энг яқин ҳамкор. Асосийси, халқимиз, маҳаллалар аҳли ёвузликни қоралайди. Унга қарши жипсликда курашади. Зеро, юртимизда тинч ва осуда ҳаёт ҳукм суришининг бош омили ҳам шунда.

Усмон ИБРАГИМОВ,
Миришкор тумани ИИБ Помуқ Қўрғон милиция бўлинмаси бошлиғи.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази,
Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси,
Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" хайрия жамғармаси
Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг Мусиқа дирекцияси
Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида

ЛАПАР ВА ЎЛАН ИЖРОЧИЛАРИНИНГ БИРИНЧИ РЕСПУБЛИКА ФЕСТИВАЛИ

ўтказилади

Фестиваль 2005 йил 8 июль куни соат 11 да Муқимий номли Ўзбек Давлат мусиқали театрида бошланади.

ФЕСТИВАЛЬ ҒОЛИБЛАРИНИНГ ЯКУНЛОВЧИ КОНЦЕРТИ ВА УЛАРНИ ТАКДИРЛАШ МАРОСИМИ 9 июль куни соат 17 да Ғафур Ғулом номли маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтади.

Ташкилий қўмита

ESENYA
КУРИЛИШ-ИНЖИНИРИНГ ФИРМАСИ

ЛОЙИҲАЛАШТИРАМИЗ, ҚУРАМИЗ:
- БОҒЛАР, АТТРАКЦИОНЛАР, БОЛАЛАР СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАЛАРИ;
- БОЛАЛАР МАЙДОНЧАЛАРИ ВА ШАҲАРЧАЛАРИ;
- БАССЕЙНЛАР;
- АКВАПАРКЛАР

Германия, Италия, Испания, Туркия ва Россия давлатларининг қатор ишлаб чиқарувчи фирмалари дистрибьютери ва етказиб берувчисимиз.

Эскириб қолган аттракционлар ва бошқа боғ жиҳозларини техник экспертизадан ўтказамиз, таъмирлаймиз ва қайта тиклаймиз ҳамда ишлаб чиқарувчи заводлардан эҳтиёт қисмларни, механизмларни ва бошқа конструктив элементларни етказиб берамиз.

ESENYA
Bau- und Handelinvestition GmbH
Trauareuf - Deutschland
DUNDAR CATALOGUE

БОЛАЛАРГА МЕҲР БИЛАН

Манзилимиз: 700025, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Абдулла Каҳҳор кўчаси, 49-уй. Телефон: 107-16-00. Тел./факс: 152-13-01.

"Асакадонмаҳсулотлари" очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига

"Асакадонмаҳсулотлари" ОАЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2005 йил 8 июль куни соат 15.00 да бўлиб ўтади.

Манзил: Андижон вилояти Асака тумани Т.Алиев номли кўча 5-уй. Жамият мажлислар зали.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқуга эга бўлган акциядорлар рўйхати 2005 йил 8 июнь ҳолатига тузилган.

Кун тартибидаги масала:

1. Жамият Кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш.

Йиғилишга акциядорлар паспорт, акциядорларнинг вакиллари нотариал тасдиқланган ишончнома билан келишлари сўралади.

Умумий йиғилишни ўтказишга боғлиқ ахборотлар билан акциядорлар иш кунлари соат 9.00 дан 16.00 га қадар жамият Кузатув кенгаши хонасида танишишлари мумкин.

Кузатув кенгаши

"Қўрғонтепадонмаҳсулотлари" очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига

"Қўрғонтепадонмаҳсулотлари" ОАЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2005 йил 8 июль куни соат 10.00 да бўлиб ўтади.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2005 йил 8 июнь ҳолатига тузилган.

Манзил: Андижон вилояти, Қўрғонтепа шаҳар Тельман номли кўча 100-уй. Жамият мажлислар зали.

Кун тартибидаги масала:

1. Жамият Кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш.

Йиғилишга акциядорлар паспорт, акциядорларнинг вакиллари нотариал тасдиқланган ишончнома билан келишлари сўралади.

Умумий йиғилишни ўтказишга боғлиқ ахборотлар билан акциядорлар иш кунлари соат 9.00 дан 16.00 га қадар жамият Кузатув кенгаши хонасида танишишлари мумкин.

Кузатув кенгаши

ҚУТЛОВ

Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси Хоразм вилояти бўлими Қўшкўпир тумани Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси раиси Комилжон ҒАФФОРОВни табаррук 75 ёшни қарши олиши муносабати билан самимий муборакбод этади. Ҳамда у кишига узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайди.

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъна берди ҚУРБОНОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

7056 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-624 Топширилди — 1 2 3 4 5 6